



ЮМШОҚ БУҒДОЙНИНГ ЯНГИ НАВЛАРИ ВА НАМУНАЛАРИНИ ҲОСИЛДОРЛИК БЎЙИЧА БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ

Маматкулов Икром Шавкатович¹

Амиров Отабек Хайдар ўғли²

¹⁻²Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти
илмий ходимлари

e-mail:uzniizerno@yahoo.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7024976>

ARTICLE INFO

Received: 16th August 2022

Accepted: 22nd August 2022

Online: 26th August 2022

KEY WORDS

Юмшоқ буғдой, рақобот
нав синаш тажриба
майдони, селекция, нав,
намуна, ҳосилдорлик,
баҳолаш, танлаш.

ABSTRACT

Мақолада юмшоқ буғдойнинг янги навлари ва намуналарини ҳосилдорлик кўрсаткичини баҳолаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари баён қилинган. Олиб борилган тадқиқотларда юмшоқ буғдойнинг рақобат нав синаш тажриба майдонида ўрганилган 19 та нав ва тизмаларининг ҳосилдорлиги андоза навга таққослаб ўрганилди. Андоза навдан ҳосилдорлиги юқори бўлган намуналар янги навлар яратиш мақсадида танлаб олинди.

Сўнги йилларда ер юзида аҳоли сонининг ўсиши, суғориладиган экин майдонларини қисқариб бораётганлиги, озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши тез суьратларда ошиб бораётган талабни қондира олмаяпти. Келгуси ўн йилликларда буғдой ҳосилдорлигини ошириш ҳозирги қишлоқ хўжалигининг энг муҳим мақсадларидан бири бўлиб, келажак авлоднинг истеъмол эҳтиёжларини қондиришга қаратилган.

Буғдой ҳосилдорлигини ошириш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тизимларини такомиллаштириш ва янги технологияларни жорий этиш, яхшиланган буғдой навларини яратиш ҳамда ҳосилдорлигини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ҳосилдорликнинг ҳар қандай ноқулай шароитда бир маромда

бўлишлигини таъминлашга биотик ва абиотик стрессларга чидамли бўлган навларни яратиш орқали эришиш мумкин. Сермаҳсул буғдой навини яратишда тадқиқотчилар биотик стрессларга чидамлиликни ривожлантириб бориши керак. Кўпчилик ҳолларда селекция жараёнларида юқори маҳсулдорликка эга навлар ишлаб чиқаришга етгандан сўнг касалланиб, ҳосилдорлиги пасайиб бормоқда, яъни чидамли бўлган навда иммунитет йўқолиб, касалликка чалиниб қолмоқда [2].

Дунё бўйлаб содир бўлаётган глобал иқлим ўзгариши натижасида юзага келаётган қурғоқчилик, ёғин миқдорининг камлиги, ҳаво ҳароратининг ошиб бораётганлиги, турли касаллик ва зараркунандаларнинг кенг тарқалаётганлиги ушбу омилларга



бардошли буғдой навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишни талаб этмоқда. Буғдойнинг жаҳон коллекция нав ва намуналарини ўрганиш, уларни маҳаллийлаштириш билан бир қаторда синтетек селекция асосида олинган маҳаллий дурагай ашёлар, тизмаларни ҳар томонлама ўрганиш, андоза навлардан юқори кўрсаткичга эга тизмаларни нав синовларига ўтказиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш ҳам селекция йўналишининг асосий вазибаларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда республикада буғдой селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш бўйича катта илмий, амалий ва ташкилий тадбирлар амалга оширилмоқда.

Қишлоқ хўжалик экинлари селекциясининг асосий йўналишларидан бири ҳосилдорликдир [3]. Чунки янги навларнинг ҳар қандай қимматли белги-хусусиятларининг охирги натижаси сифатида ҳосилдорлик хизмат қилади.

Материал ва методлар. Тажириба кузатувлари, тахлиллар Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институти [5] ҳамда ДДЭИТИ Ғаллаорол ИТС томонидан қабул қилинган [1] услубий қўлланмалар бўйича амалга оширилди. Ҳосилдорлик кўрсаткичи деянкадан олинган ҳосилни гектар ҳисобига айлантириш усулида аниқланди. Олинган натижаларнинг ишончилилик даражаси ва навларнинг ҳосилдорлик кўрсаткичлари дисперсион усулда қайта ишланди [4].

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Дала

тажирибалари 2021 йилда Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг суғориладиган майдонлари тажириба даласида олиб борилди. Тадқиқотларимизда ҳар бир намуна 25 м² майдончаларга экилган бўлиб, ҳар бир нав ва намунанинг умумий ҳосилдорлиги кичик селекцион комбайн ёрдамида ўриб олингандан сўнг, тозаланиб, саралангач тортиш йўли билан аниқланган. Олиб борилган тадқиқотларда 2021 йилги натижаларига кўра нав ва намуналарда ҳосилдорлик кўрсаткичлари 31,6 - 71,4 ц/га ни ташкил этди. Нав ва намуналарнинг ўртача дон ҳосилдорлиги 50,9 ц/га ни, андоза Замин-1 навида дон ҳосилдорлиги ўртача 46,1 ц/га ни ташкил этган бўлса, Истиқлол-20 навида 63,4 ц/га, Қипчоқсув наввида 59,6 ц/га, КП №183/2017 намунасида 62,0 ц/га, № 83/2016 намунасида 58,2 ц/га, КП-52/2017 намунасида 65,5 ц/га, IWWYT 9833 намунасида 60,2 ц/га, IWWYT 9819 намунасида 59,4 ц/га, КП № 198/2017 намунасида 71,4 ц/га ни ташкил этиб, андоза Замин-1 навига нисбатан 13,3 ц/га дан 25,3 ц/га гача ҳосилдорлиги юқори бўлганлиги аниқланди.

Олиб борилган 2021 йилги тадқиқот тахлил натижаларига кўра, 21thIWWYT 9827 (60,3 ц/га), 21th IWWYT 9806 (57,0 ц/га), КП 198/2017 (68,8 ц/га) тизмалари иссиқликка ва касалликларга бошқа нав ва тизмаларга нисбатан чидамлиги ва ҳосилдорлик кўрсаткичи юқори бўлганлиги учун танлаб олинди. (1-жадвал).



Рақобот нав синаш тажриба майдонида ўрганилган нав ва намуналарнинг дон ҳосилдорлиги (Ғаллаорол 2021 йил).

Нав ва тизмалар номи	Ҳосилдорлик, (ц/га)				
	min	max	$X \pm S_x$	δ	V%
Замин-1(андоза)	45,0	47,8	46,1±0,6	1,0	2,5
Краснодар-99	30,7	32,5	31,6±0,3	0,7	1,9
Дурдона	32,9	36,1	34,4±0,9	1,2	4,7
Ғозғон	43,2	47,3	45,2±1,3	1,5	5,1
Истиклол-20	62,2	64,4	63,4±0,4	0,8	1,1
Семуруг	54,2	56,2	54,9±0,3	0,7	1,1
КП-183/2017	30,3	35,7	32,8±3,4	2,4	17,9
Санзар-40	58,6	60,7	59,7±0,3	0,8	1,5
Қипчоқсув	50,6	53,2	51,8±0,7	0,3	1,6
№ 29/2016	53,9	56,2	55,0±0,6	1,0	2,0
№83/2016	56,5	59,2	58,1±0,6	1,0	1,7
КП-52/2017	64,0	66,5	65,5±0,5	0,9	1,4
IWWYT 9828	59,8	60,8	60,1±0,08	0,3	1,5
IWWYT 9806	47,7	50,1	48,6±0,4	0,9	1,7
IWWYT 9809	50,9	55,6	53,2±2,3	2,0	7,7
IWWYT 9805	57,8	60,4	59,3±0,6	1,0	1,9
IWWYT 9811	44,3	46,5	44,9±0,4	0,9	1,8
IWWYT 9819	41,1	45,0	43,0±2	1,8	8,1
IWWYT 9827	36,0	39,5	37,7±0,7	1,1	3,5
КП-198/2017	70,2	73,0	71,4±0,5	1,0	1,4
НСР₀₅			1,5		
S x %			1,1		

Хулоса. Олинган натижалар таҳлили асосида дон ҳосилдорлиги бўйича Истиклол-20 нави 63,4±0,4 ц/га, КП-52/2017 намунаси 65,5±0,5 ц/га, КП-198/2017 намунаси 71,4±0,5 ц/га ва истиқболли тизмалар сифатида танлаб олинган намуналардан IWWYT 9828 намунасида 60,1±0,08 ц/га, IWWYT 9805 намунасида 59,3±0,6 ц/га ни ташкил

этди. Бу нав ва намуналардан энг юқори ҳосилдорлик кўрсаткичига эга бўлган КП-198/2017 ва КП-52/2017 намуналари янги нав сифатида Давлат нав синаш марказига топширилди. IWWYT 9828 ва IWWYT 9805 намуналари эса экологик нав синаш участкасида кўпайтириш учун танлаб олинди.



References:

1. Аманов А. А. ва бошқалар. Донли экинлар селекцияси ва бошланғич уруғчилиги бўйича услубий қўлланма. Ғаллаорол 2004 йил.
2. Мейлиев Т. Х., Дилмуродов Ш. Д. Рост и развитие, урожайность и устойчивость к желтой ржавчине сортов в питомнике отбора продуктивных сортов //Приоритетные направления развития науки и образования. – 2019. – С. 130-133.
3. Web sites: <http://www.chemicalnow.ru.>, <https://www.science-biology.ru.>
4. Статистик таҳлиллар Б.А.Доспехов (1985)
5. Изучение мировой коллекции пшеницы. Методические указания. ВИР. Ленинград 1984.
6. Маматкулов И. Ш. и др. Роль флагового листа в засухоустойчивости сортов пшеницы //фундаментальная прикладная наука: состояние и тенденции развития. – 2021. – С. 138-144.
7. Маматкулов И. Ш., Умиров Н. Оценка коллекционных сортообразцов озимой пшеницы iwwyt-ir в условиях узбекистана //Современные вызовы и перспективы развития молодежной науки. – 2020. – С. 253-258.
8. Ҳ.Х.Қаршибоев. Қаттиқ буғдой F1 дурагайларида ўсимлик бўйининг ирсийланиши // Journal of New Century Innovations, (Uzbekiston), Volume 1, March 2022. 6. 250-256.
9. Karshiboev Khasan Xolbazarovich. High-yielding varieties and lines for breeding durum wheat // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. - Т. 11. - №. 9. - С. 532-537.